
ХАЙРУЛЛО БОЗОРОВ ТУРКИЯ ҲАМКОРЛИК ВА МУВОФИҚЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ РАҲБАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлиги (ТИКА)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Жемалеттин Тунейни қабул қилди.

Самимий учрашувда Фарғона вилояти ва Туркия ўртасида турли соҳаларда ҳамкорликни янада ривожлантириш ҳамда қўшма лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари хусусида сўз борди.

Вилоят ҳокимлиги томонидан ишлаб чиқилган, Туркия ҳамкорлик ва мувофиқлаштириш агентлигининг халқаро грантини ҳам жалб этган ҳолда Риштон туманидаги Бурҳониддин Ар-Рошидоний Ал-Марғиноний зиёратгоҳини реконструкция ва реставрация қилиш лойиҳаси ҳам учрашувда алоҳида муҳокама қилинди.

Жемалеттин Туней мажмуа лойиҳаси билан танишар экан, ҳар бир бино-иншоотнинг алоҳида сметасини ишлаб чиқиб уларга тақдим қилинса, якуний ҳисоб-китоблардан келиб чиқиб, ТИКА лойиҳадаги қайси объектларни молиялаштиришини ҳамда ташкилотнинг молиявий иштироки ҳажмини белгилашини маълум қилди. Мажмуанинг якуний лойиҳаси яқин кунларда туркиялик ҳамкорларга тақдим этилишига келишилди.

Режалаштирилаётган лойиҳага кўра, “Соҳиби Ҳидоя” зиёратгоҳи ҳудудида янги ва замонавий бино-ишоотлар қурилиши ва унинг негизида “Фикҳ” илмий-амалий маркази ташкил этиш, кутубхона барпо этиш, Бурҳониддин Ар-Рошидоний Ал-Марғинонийнинг ҳаёти ва асарларига бағишланган музей ташкил этиш, зиёрат туризмни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-01-20 18:39:20